

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ Қўллашнинг имкониятлари, муаммо ва истиқболлари.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3.Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА Қўлланилган ҳарбий унвонларга доир.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 йиллар).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР Тўғрисида.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич,
Наманган давлат университети
Архившунослик кафедраси катта ўқитувчиси

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

For citation: Azamjon Sh. Tuhtabaev. A look at the activities of "UZBEKISTAN AIRWAYS" in the period of independence. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 69-74



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-08>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида ташкил этилган "UZBEKISTAN AIRWAYS" фаолиятига назар ташланган. Замонавий, кучли, жаҳонандозаларига жавоб берадиган, ривожланган моддий-техник негизга ва малакали мутахассисларга эга авиатранспорт соҳасини шакллантириш йўлида олиб борилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган. Миллий авиакомпания авиаташувлар ва техник хизмат кўрсатиш халқаро тизимида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлган омилларга тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "UZBEKISTAN AIRWAYS", фуқаро авиацияси, ҳаво кемалари парки, Халқаро парвозлар

Тухтабаев Азамжон Шарифходжаевич,
Наманганский государственный университет
старший преподаватель кафедры архивов

ВЗГЛЯД НА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ "UZBEKISTAN AIRWAYS" В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается деятельность "UZBEKISTAN AIRWAYS" в годы независимости. Предоставлена информация о работе по формированию авиатранспортной отрасли с современными, сильными стандартами мирового

уровня, развитой материально-технической базой и квалифицированными специалистами. Стоит отметить факторы, по которым национальная авиакомпания заняла достойное место в международной системе авиаперевозок и технического обслуживания.

Ключевые слова: "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "UZBEKISTAN AIRWAYS", гражданская авиация, авиапарк, международные рейсы

Azamjon Sh. Tuhtabaev,
Namangan State University
Senior Lecturer, Department of Archives

A LOOK AT THE ACTIVITIES OF "UZBEKISTAN AIRWAYS" IN THE PERIOD OF INDEPENDENCE

ANNOTATION

The article looks at the activity of Uzbekistan Airways in the years of independence. The information on the work on the formation of the air transport industry with modern, strong, world-class standards, developed material and technical basis and qualified specialists is provided. It is worth noting the factors that the national airline has earned a worthy place in the international system of air transportation and maintenance.

Key words: "Uzbekistan Airways", "UZBEKISTAN AIRWAYS", civil aviation, aircraft fleet, International flights

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ авиатранспортнинг мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграцияси жараёнидаги, кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама сермахсул ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдаалоҳида роль ўйнади. Ўтган йиллар мобайнида "Uzbekistan airways" бренди барқарор, хавфсиз ва ишончли авиаташувчи сифатида дунёга танилди. "Биз учун авиация - дунё бозорига чиқиш калитидир",-деб таъкидлаган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов [4].

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти 1992йил 28январда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини тузиш тўғрисидаги Фармон[6]ни имзолади, унга кўра, Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-заводи, "Авиастрой" қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли "Авиаспецмонтажналадка" хўжалик ҳисобидаги участкаси негизида Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси - "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ташкил этилди [4]. Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси - "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган фуқаро авиацияси масалалари билан шуғулланувчи давлат бошқаруви органи қилиб белгиланди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғидан фуқаро ҳаво транспорти мақсадларида фойдаланувчи, шунингдек, халқаро ҳаво алоқаларини амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг асосий юк ташувчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш; республика, давлатлараро ва

халқаро авиайўлларда авиаташувлар, шу билан боғлиқ хизматлар, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиб ишлаш ва фуқаро авиацияси соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турларига бўлган эҳтиёжни қондириш; Авиакомпания фаолиятига ғайриқонуний аралашининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан ҳамжиҳатликда амалга ошириш авиакомпаниянинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Мустақилликнинг илк ойларида ноқ мамлакат фуқаро авиациясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси аниқлаб олинди ва замонавий, кучли, жаҳонандозаларига жавоб берадиган, ривожланган моддий-техник негизга ва малакали мутахассисларга эга фуқаро авиациясини шакллантириш йўли танланди.

Самолётлар паркини модернизация қилиш билан бирга аэропортлар ва ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимини реконструкция қилиш ишлари ҳам олиб борилди. Нисбатан қисқа муддат ичида авиация техникасига хизмат кўрсатиш ва энг замонавий русумдаги ҳаво кемалари учун малакали учувчилар ҳамда техник кадрларни тайёрлашнинг халқаро стандартларга ва илғор технологияларга мос базаси яратилди [1]. Мамлакатда жаҳон андозаларига жавоб берадиган авиакомпанияни шакллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Авиация соҳаси тубдан ислоҳ қилинди, ташкилий тузилма, бошқариш тизими ва менеджмент такомиллаштирилди ва замонавий талаблар даражасига кўтарилди.

Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базасини яратиш, аэропортларни реконструкция қилиш доимий назорати остида бўлди. Ўзбекистон ҳудудида навигация тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди, натижада у тез орада МДХ бўйича энг яхши ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимларидан бирига айланди. Мамлакатда юқори малакали кадрларни тайёрлаш базаси яратилди ва самарали авиация хавфсизлиги тизими ишлаб чиқилди.

Шубҳасиз, мустақиллик йилларида эришилган энг муҳим ютуқ - бу ҳаво кемалари паркининг тўлиқ янгилангани бўлди. Мамлакат самолёт паркини модернизация қилинди. Шўролар даврида ишлаб чиқарилган, маънан ва жисмонан эскирган, ИКАО талабларига жавоб бермайдиган Ил-86, Ил-62М, Ту-154Б ва Як-40 самолётлари тўлиқ алмаштирилди. Халқаро ва маҳаллий авиайўналишларда уларнинг ўрнини "Airbus", "Boeing" компанияларининг замонавий лайнерлари ҳамда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрта масофага учиш учун мўлжалланган Ил-114-100 ҳаво кемалари эгаллади. 27 йил давомида миллий авиаташувчи ҳаво кемалари парки босқичма-босқич янгиланиб бормоқда. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга янада қулай шароитларни яратиш мақсадида 2004 йилдан бери барча совет даврида ишлаб чиқарилган Ил-86, Ил-62, Ту-154, Ан-24, Як-40 самолётлар режали равишда замонавий Boeing 757 ва 767, Airbus A320 ҳаво кемаларига алмаштирилди. 2016 йилда биринчи иккита Boeing 787 Dreamliner самолётлари келтирилди, учинчи "орзу лайнери" эса, 2018 йилда қабул қилинди. 2019 йилда Миллий авиакомпания флоти тўртинчи ва бешинчи Dreamlinerлар билан тўлдирилди [2]. 2020 йилга келиб ушбу турдаги олтинчи самолётнинг келтирилиши кутилмоқда, мазкур лайнер олиниши билан Ўзбекистон авиакомпанияси МДХда бундай самолётларнинг етакчи эксплуатантига айланади. Шунингдек, жорий йилда авиапарк иккита иқтисодий жиҳатдан самарадор Airbus A320neo самолёти билан тўлдирилди. Бугунги кунда авиакомпанияда Wi-Fi орқали

Интернет тармоғига уланиш ускуналари билан жиҳозланган 4 та самолёт (иккита Boeing 787 Dreamliner ва иккита Airbus A320 neo) мавжуд бўлиб, уларнинг парвоз масофаси 4,5 мингдан 5 минг километргача узайтирилган. Бу "Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпаниясига бутун Марказий Европа бўйлаб қатновларни амалга ошириш имконини беради [3].

Мамлакат фуқаро авиациясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириш натижасида Миллий авиакомпания авиаташувлар ва техник хизмат кўрсатиш халқаро тизимида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси замонавий авиакомпания сифатида тикланиш ва шаклланишнинг улкан, мураккаб йўлини босиб ўтди. Мамлакат авиаторлари дунёнинг 38 мамлакатадаги 53 та шаҳарга парвоз қилди [1].

Бугунги кунга келиб Миллий авиакомпания Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши ҳамда кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлигини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳаво кемалари авиапарки "Boeing", "Airbus" ҳамда Dreamliner самолётлари ҳисобига янгиланди. 2019-2020 йилларда яна учта "орзу лайнери"ни ҳарид қилиш ва лизинг асосида иккита Airbus A320neo самолётларини олиш бўйича шартнома имзоланди. Ҳозирда Ўзбекистоннинг замонавий ва қулай авиалайнерлари Европа ва Осиёнинг 60 дан ортиқ шаҳарларига парвоз қилмоқда ҳамда Аляскадан тортиб Янги Зеландиягача чартер рейсларини бажармоқда [1]. Халқаро парвозлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Масалан, талаб катта бўлган йўналишлардан бири Тошкент-Москва қатнови сони ҳафтасига 27 тагача оширилди, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Наманган ва Фарғонадан қатновларни ҳисобга олган ҳолда Россия пойтахтига умумий парвозлар сони 49 тага етди. Тошкентдан Сеул, Нью-Йорк, Истанбул, Дубай, Деҳли, Бангкок, Нур-Султон, Алмати, Душанбе, Бишкек, Минск, Санкт-Петербург, Ростов-Дон ва Новосибирскка ҳам парвозлар сони ортди. Энг оммабоп йўналишлардан бири - Истамбулга ҳафтада пойтахтдан ўн тўрт ва Самарқанддан учта рейс амалга оширилади. 2010--2018 йилларда авиатранспортда йўловчи айланмаси ҳажми 5,8 дан 7,5 млрд. йўловчи /км ошди, йўловчи айланмаси бу даврда 4,7 баробар ошди [5].

Миллий авиаташувчи ўз самолётларининг учишга яроқлилигини мустақил равишда таъминлаш имконига эга бўлди. "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида турли модификациядаги, жумладан Boeing 787 Dreamliner самолётларини бўяшдан тортиб капитал таъмирлашгача бўлган мураккаб таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Бу ерда, нафақат авиакомпаниянинг авиапаркидаги, балки хорижий компаниялар самолётларига ҳам техник хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017йил январдаги "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси жамоасига табригида айтиб ўтганидек: "Барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз, бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замон бизнинг олдимизга янги ва янада қатъий талаблар қўймоқда. Олдимизда ҳали қиладиган ишимиз кўп, биринчи навбатда, авиакомпаниямиз рақобатдошлигини янада ошириш - энг муҳим вазифамиздир"[2]. Замон талабларига жавоб берган ҳолда Миллий авиакомпания парвозлар географиясини кенгайтirmoқда, ҳаво кемалари сонини ошириш, Учувчилар мактабини очиш бўйича ишлар олиб борилмоқда, ахборот технологияларининг

сўнги ютуқлари асосида замонавий бошқарув шакллари тадбиқ этилди. 2018 йил 29 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди [8]. Фармонга мувофиқ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясини қайта ташкил этилиб, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Uzbekistan Airports" АЖ ташкил этилди. "Uzbekistan Airways" АЖнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: шу жумладан, парвозларнинг янги йўналишларини ўзлаштирган ва географиясини кенгайтирган ҳолда ҳаво кемалари паркидан самарали фойдаланиш; ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг замонавий тизимлари ва технологияларини жорий этиш, шунингдек, авиапаркни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва янгилаш; ҳаво кемалари бортида йўловчиларга кўрсатиладиган сервис хизматлари, шу жумладан, хорижий авиакомпанияларнинг авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари сифатини ошириш; компаниянинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида йўловчилар, юклар, почта ва багаж ташиш соҳасида мослашувчан тариф сиёсатини олиб бориш; энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шу жумладан, акциялар ва корпоратив облигациялар чиқариш орқали жалб қилиш; парвозларни амалга оширишда юқори даражадаги хавфсизликни, шунингдек, ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш; авиакомпанияни халқаро авиаташувчилар ҳамжамиятига интеграциялаш, авиаташувлар соҳасида минтақавий етакчи даражасига эришиш. "Uzbekistan Airports" АЖнинг асосий вазифалари этиб эса қуйидагича белгиланди: аэропортларни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; аэропортлар инфратузилмасини такомиллаштириш учун, шу жумладан, аэропортларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик қилиш механизмларидан фойдаланган ҳолда инвестициялар жалб қилиш; авиа ташувчилар йўловчиларига аэропортларда юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун зарур барча қулай шарт-шароитларни яратиш; аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолиятини таъминлаш, йўловчилар, юклар, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини мақбуллаштириш; аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни сақлаш ва таъмирлашнинг замонавий усуллари жорий этиш; ҳаво кемаларига ёқилғи қуйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларини узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш; логистика соҳасида сифатли хизмат кўрсатиш учун инфратузилмани такомиллаштириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш; аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш.

Хулоса қилганда, олиб борилаётган ислохотлар "Uzbekistan Airways" АЖ фаолияти самарадорлиги ва иқтисодий ўсишига, унинг рақобатбардошлиги ошишига ҳамда парвозлар хавфсизлиги юқори даражада таъминланишига хизмат қилмоқда. "Uzbekistan Airways" АЖ жамоаси ўз фаолиятида авиаташувчини халқаро авиация бозорида муносиб ўрин эгаллаш ва Ўзбекистон фуқаро авиациясининг тарих зарварақларини янги ютуқлар билан безашга имкон берувчи ижобий

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000